

“ТАСДИҚЛАНГАН”
“ҲО’ЛҚУРИЛИШ” АЖ
ягона акциядорнинг
2022 йил 08 июлдаги
77/08-2-қр-сонли қарорига 5-илова

“ҲО’ЛҚУРИЛИШ” АЖ
ИЖРОИЯ ОРГАНИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМИ
(янги тахрир)

2022 йил

1. Умумий қоидалар

1. Мазкур низом “Yo’lqurilish” акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда - Жамият) ижроия органи - бошқарувининг мақомини белгилайди ва унинг ишини, аъзоларини тайинлаш тартибини, шунингдек ҳар бир аъзосининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солади.

2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни (бундан кейин матнда - Қонун)га, Корпоратив бошқарув кодекси (31.12.2015й. 9-сон) талабларига, Жамият уставига ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Жамиятнинг ижроия органи - бошқарувини тузиш ва унинг ваколатларини тугатиш тартиби

3. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик ижроия орган – жамият бошқаруви томонидан амалга оширилади. Бошқарув фаолиятига жамият Бошқарув раиси раҳбарлик қилади.

4. Жамият бошқаруви 3 (уч) нафар аъзодан иборат бўлиб, қуйидаги лавозимлардан иборат бўлиши мумкин:

- Бошқарув раиси;
- Бошқарув раисининг ўринбосарлари;
- Бошқарма бошлиқлари;
- Бўлим бошлиқлари ва ходимлар.

5. Жамият бошқарувининг сон таркиби бошқарув аппаратини самарадорлигини ошириш, жамиятни бошқаришда бир-бирини такрорловчи бўғинларнинг тугатилиши ва у билан боғлиқ бошқарув ҳужжатларининг қисқариши тамойилидан келиб чиқиб белгиланади.

6. Жамият бошқаруви Жамиятнинг коллегиял ижроия орган асосидаги ижро этувчи орган ҳисобланиб, унинг жорий фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият устави, Жамиятнинг ягона акциядорининг қарори ва Жамият кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

7. Жамият бошқаруви раиси Жамиятнинг ягона акциядорининг қарори билан уч йил муддатга сайланади. Бошқарув аъзолари бошқарув раисининг тақдимномасига биноан Жамиятнинг ягона акциядорининг қарори билан уч йил муддатга сайланади. Шунингдек, Бошқарув аъзолари бошқарув раисининг тақдимномасига биноан ягона акциядорнинг қарори билан лавозимдан озод этилади.

8. Жамият бошқарув аъзоларини сайлаш, одатда, чет эл менеджерлари ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида амалга оширилади.

9. Бошқарув аъзолигига номзод жамиятга ўзи жиной жавобгарликка тортилганлиги тўғрисидаги фактларни маълум қилиши шарт.

10. Жамият бошқаруви раиси билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Жамият кузатув кенгаши раиси ёки ваколат берилган шахс имзолайди. Бошқарув аъзолари билан меҳнат шартномаларини Жамият номидан бошқарув раиси имзолайди. Шартнома уч йил муддатга, уни узайтириш ёки тугатиш ҳақида қарор қабул қилиш асосида тузилади.

- Жамият Бошқарув раиси сифатида тайинланган (қайта тайинланган) шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ жамият бошқарув раиси бўлиши мумкин эмас.

11. Жамият ягона акциядори Жамият бошқарув раиси ва Жамиятнинг бошқаруви аъзолари билан тузилган шартномани улар шартнома шартларини бузган тақдирда бекор қилишга ҳақлидир.

12. Жамият ягона акциядори Жамиятнинг Бошқарув раиси ва аъзолари билан тузилган шартномани, агар шартнома шартлари бузилса ва (ёки) улар томонидан Жамият уставини қўпол тарзда бузишга йўл қўйилса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

13. Жамият бошқаруви раиси ва аъзоларига ойлик иш ҳақи жамият штатлар жадвалига асосан тўлаб борилади. Йил якунлари бўйича мукофот тўловлари ягона акциядор қарори билан амалга оширилади.

14. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари Жамият Бошқаруви органларида ўриндошлик асосида ишлашга ҳақли эмаслар.

3. Жамият бошқарувининг ваколат ва мажбуриятлари

15. Жамият бошқаруви ваколатига Жамиятнинг жорий фаолиятини бошқариш билан боғлиқ барча масалаларни ҳал қилиш киради. Жамият ягона акциядорининг ёки Жамият кузатув кенгашининг ваколатига кирган масалалар бундан мустасно.

16. Жамият Бошқарув раиси ва аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари амалдаги қонунчилик, Жамият устави ва уларнинг ҳар бири билан тузиладиган шартномалар билан белгиланади.

17. Жамият бошқаруви Жамият ягона акциядори ва Жамият кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

18. Жамият Бошқарувининг мажбуриятлари ва ваколатларига қуйидагилар киради:

- *Жамият таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлаш;*

- *Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес – режалари ишлаб чиқиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;*

- Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган бизнес – режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;

- қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташиқил этилиши, зарур ҳолати ва ишончилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

- Жамиятнинг тижорат сирини ташиқил этувчи ахборотларни сақлаш. Жамиятнинг тижорат сирини ташиқил этувчи маълумотлар рўйхати Жамият Бошқаруви томонидан белгиланади;

- ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни акциядорга ва Жамият Кузатув кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;

- Жамият ягона акциядорининг йиғилишида ва Кузатув кенгаши мажлисларида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорнинг барча ҳуқуқларига риоя қилиш;

- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш;

19. Жамиятнинг бошқаруви, қонунчилик, жамият устави ва Жамиятнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ (ваколат) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин. Жамият бошқарув раиси ва бошқарув аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.

4. Жамият бошқаруви аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

20. Жамият Бошқарув раисининг мажбуриятлари ва ваколатларига қуйидагилар киради:

- ўзининг ваколатлари доирасида Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;

- жавобгарлигини суғурталаш;

- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг мол–мулки ва пул маблағларини тассаруф этиш;

- Жамият кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади;

- Жамиятнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;

- Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, Жамият ягона акциядорининг ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;

- Жамият шўъба корхоналари, ваколатхоналари ва филиаллари учун мажбурий бўлган қарор, буйруқ ва фармойишлар чиқариш;

- Жамият филиаллари ва ваколатхоналари низомларини тасдиқлаш ва уларга ўзгаритириш ва қўшимчалар киритиш;

- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар Жамиятнинг Кузатув кенгаши ёки жамият аудитори талабига кўра тақдим этиш;

- ўз ваколати доирасида мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан бозлиқ битим тузиш (битим тузиш масаласида Жамият Бошқаруви яқдиллигига эришилмаган ҳолларда битим тузиш тўғрисидаги масала Жамият бошқаруви қарорига мувофиқ Кузатув кенгаши ҳукмига ҳавола этилиши мумкин)

- давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаштиради;

- Жамият бошқарув аъзоларини тайинлаш ёки улар билан меҳнат шартномаларини бекор қилиш юзасидан ягона акциядорга тақдимнома киритиш;

- Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлайди, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан самарали фойдаланиш чораларини кўради;

- Жамият ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва улар меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлайди;

- Штатларни белгилайди, ходимларнинг штат рўйхатини тасдиқлайди;

- Жамиятнинг филиаллари, ваколатхоналари ва масъулияти чекланган жамияти раҳбарларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади;

- Жамият филиаллари ва ваколатхоналари штат жадвалларини тасдиқлайди;

- Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташиқлотларда унинг манфаатларини ҳимоя қилади;

- Банкларда ҳисоб рақамлар шу жумладан валюта ҳисоб рақамларини очади ва Жамиятнинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлади.

- ўзининг ваколатлари доирасида, Жамият миқозлари, корхона ва ташиқлотлар билан шартномалар ва контрактларни имзолайди ва битимлар тузади;

- Жамият ходимларини ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллайди, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлайди;

- *Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни беради;*
- *Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;*
- *Жамият Бошқаруви раиси, қонунчилик, ушбу Устав ва Жамиятнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ (ваколат) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.*

5. Жамият бошқарувининг иш тартиби

21. Жамият бошқарувининг мажлиси зарур ҳолларда, бироқ бир чоракда камида бир марта ўтказилади. Жамият бошқаруви томонидан Жамият кузатув кенгаши ёки ягона акциядори ҳал қилиши учун киритиладиган масалалар мажбурий тартибда бошқарув мажлисида олдиндан муҳокама этилади. Бошқарувнинг фикри ҳақида Жамият кузатув кенгашида ва ягона акциядорига бошқарув раиси ёки у томонидан ваколат берилган бошқарув аъзоси ахборот беради ва ҳимоя қилади.

22. Жамият бошқаруви унинг кун тартибига киритилган масалаларни, агар мажлисда бошқарув аъзоларининг 50 фоизидан ортиқ қисми қатнашса, ҳал қилишга ҳақлидир.

23. Жамият бошқаруви мажлисида қарорлар мажлисда қатнашаётган бошқарув аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият Бошқарув мажлисида масалалар ҳал этилаётганда бошқарувнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда Жамият бошқаруви раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

24. Жамият бошқарувининг мажлиси бошқарув раиси томонидан ёхуд кўриб чиқилаётган масалага эгаллаган лавозими юзасидан бевосита алоқадор бўлган бошқарув аъзоси томонидан олиб борилади.

25. Жамият бошқаруви котиби бошқарув мажлисларининг баённомаси юритилишини ташкил этади. Бошқарув мажлислари баённомаларидан кўчирмалар:

- *мажбурий тартибда Жамият кузатув кенгаши раисига ва тафтиш комиссиясига;*

- *бошқа мансабдор шахслар ва аудиторнинг талабига кўра фақат бошқарув раисининг рухсати асосида;*

- *амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларга ва органларга (шу жумладан давлат органларига) берилади.*

6. Жамият бошқарувининг жавобгарлиги

26. Жамият бошқаруви аъзолари ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги натижасида жамиятга етказилган зарар учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва Жамият уставига мувофиқ Жамиятга етказилган зарарни қоплаш бўйича тўлиқ ҳажмда Жамият

олдида жавоб берадилар. Шунингдек, бошқарув раисининг тақдимномасига биноан ягона акциядор томонидан эгаллаб турган лавозимидан озод этилади.

27. Бошқарув аъзолари фаолияти Жамият хизматларини мижозларга тақдим этишда қийинчилик туғдирадиган корхоналарни таъсис этиш ёки таъсис этишда қатнашиш ҳуқуқига эга эмаслар. Бошқарув аъзоси лавозимга тайинланганида бундай корхоналардаги ўз иштирокини тўхтатиши ва бу тўғрисида Жамият кузатув кенгашини хабардор қилиши лозим.

28. Жамият бошқарув раиси ва аъзолари Жамият ва унинг акциядорлари олдидаги ўз мажбуриятларини зарур даражада бажармаганликлари натижасида Жамиятга етказилган зарар ва уни ўрнини тўлиқ қоплаш бўйича қонун ҳужжатлари ва Жамият уставига мувофиқ жавобгардилар.

29. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Жамият бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди.